

«Тасдиқлайман»

Ўздавзахира раиси

Курбанов М.

2023 йил « \_\_\_\_ » июль



**Биринчи навли гуруч ёрмасини етказиб бериш бўйича  
техник топширик**

Маҳсулотларни етказиб бериш бўйича таклифлар лотнинг бутун ҳажмига 1 000,0 тонна миқдорида тақдим этилади.

**Маҳсулотни харид қилиш мақсади:** Ўзбекистон Республикаси давлат захираларини шакллантириш.

**Маҳсулотни харид қилиш асоси:** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг 2023 йил 7 июлдаги 102-ХДФУ-сон буйруғи.

T/P	Маҳсулотлар номи	Миқдори тоннада
1	Биринчи навли гуруч ёрмаси ГОСТ 6292-93	1 000,0

**Етказиб бериш ва қабул қилиш жадвали**

Етказиб берувчи томонидан маҳсулот алоҳида партияларда (бўлиб-бўлиб), темир йўл ёки автомобиль транспортида, Буюртмачининг куйидаги манзилига етказиб берилади.

Биринчи навли гуруч ёрмаси ГОСТ 6292-93	Етказиб бериш муддати «Буюртмачи» биринчи олдиндан тўловни амалга оширгандан кейин 90 кундан кечиктиримай. <b>ЖАМИ: 1 000,0 тонна</b>		
	Биринчи 30 кун	Иккинчи 30 кун	Учинчи 30 кун
	333,0 тонна	333,0 тонна	334,0 тонна

**Буюртмачигнинг омборлари:**

- “Марказий” ДМ, Тошкент ш., Сергели тум., Хонобод кўчаси 1 уй, Сергели станцияси, станцияси коди 723507;
- “Магнит” ДК: 110302, Тошкент вил., Оҳангарон ш., Саноат худуди, Оҳангарон станцияси, Станция коди 723009;

Маҳсулотни етказиб бериш санаси, Буюртмачининг омборида қабул қилиш далолатномасининг расмийлаштирилган санаси ҳисобланади.

Маҳсулотни етказиб бериш билан боғлиқ барча харажатлар етказиб берувчи томонидан амалга оширилади.

### **Техник шартлар**

#### **Умумий**

1. Иштирокчилар техник топшириқда белгиланган барча қоидаларни дикқат билан ўқиб чиқиши керак.

2. Иштирокчилар таклиф этаётган маҳсулотларнинг техник параметрлари техник топшириқда кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак. Техник топшириқда кўрсатилганидан юқори сифатли маҳсулотни етказиб бериш мумкин.

3. Агар етказилиб бериладиган Маҳсулотларда маълум бир стандартлар талабларига жавоб берилиши ҳавола қилинса, уларнинг сўнгги нашрлари ёки тузатишлари кўлланилади.

4. Етказиб бериладиган товарлар янги ишлаб чиқарилган бўлиши керак, ишлаб чиқариш муддати етказиб бериш кунидан 1 ойдан ошмаслиги ва узоқ муддатли сақлаш талабларига жавоб бериши керак. Ишлаб чиқарилган кундан сақлаш муддати 12 ойдан кам бўлмаслиги керак.

5. Буюртмачи маҳсулотни сотиб олиш ҳажмини камайтириш ва етказиб бериш муддатини узайтириш хукуқига эга.

### **Техник талаблар.**

1. Биринчи навли гуруч ёрмаси белгиланган тартибда тасдиқланган санитария меъёрлари, қоидалари ва нормативларига риоя қилинган ҳолда технологик йўриқномаларга ва ГОСТ 6292-93 талабларига мувофиқ ишлаб чиқарилиши керак.

### **Хусусиятлар:**

Кимёвий ва физик хусусиятларига кўра, гуруч ёрмаси қўйидаги меъёрларга жавоб бериши керак:

### **Гуруч ёрмаси тавсифлари ва меъёрлари**

Кўрсаткичлар	Гуруч ёрмаси учун тавсифлар ва меъёрлар
	биринчи нав
Ранги	турли тусдаги оқ
Хид	гуруч ёрмасига хос, ёт моддаларнинг хидларисиз, мотор босмаган, намиқмаган
Маза	гуруч ёрмасига хос, ёт мазаларсиз нордон, тахир эмас

Узунлигининг энига нисбати 2,3 ва ундан ортиқ бўлган мағизлар сони, фоизда, кам эмас	-
Намлик, фоизда, кўп эмас	15,5
Сифатли мағиз, фоизда, кам эмас	99,4
Шу жумладан: майдаланган гуруч, фоизда, кўп эмас	9,0
Сарғайган гуруч мағизлари, фоизда, кўп эмас	2,0
Бўрли гуруч мағизлари, фоизда, кўп эмас	2,0
Қизил йўл-йўл гуруч, фоизда, кўп эмас	3,0
Қизил мағиз, фоизда, кўп эмас	йўл қўйилмайди
Глютиноз мағизлар, фоизда, кўп эмас	2,0
Оқланган ёввойи тариқ донлари (курмак), фоизда, кам эмас	-
Тозаланмаган гуруч доналари, фоизда, кўп эмас	0,2
Ифлослик нуксонлар аралашмаси, фоизда, кўп эмас	0,3
Шу жумладан: минерал аралашмалар	0,05
Органик аралашмалар	0,05
Фалла захиралари зааркундалари билин зааррланганлик	йўл қўйилмайди
Фалла захиралари ўлик зааркундалари билан зааррланганлик: ўлик қўнғизлар, 1 кг да экз., кўпи билан	йўл қўйилмайди
Металломагнит аралашма, 1 кг да мг, кўпи билан	3

### Қадоқлаш:

Давлат захирасига топширилаётган гуруч ёрмаси норматив ҳужжатлар талабларига асосан қадоқланади ва ёрлиқланади.

Гуруч ёрмаси янги иплардан тўқилган озиқ-овқат қопларига ёки полипропилен қопларга 45, 50 ва 70 кг стандарт оғирликда қадоқланади, қоплар тикилган бўлиши керак.

Гуруч ёрмасини қопларга қадоқлаш вақтида ҳар бир қопга мустаҳкам картондан, қоп учун қофоздан, А русумли ўраш қофозларидан ёки ташиш ва сақлашда ёрлиқнинг сақланишини таъминловчи бошқа материаллардан 6 x 9 см ўлчамдаги ёрлиқлар бириктирилади. Кўшимча маълумотлар кўрсатилиши учун ёрлиқларнинг ўлчамларини икки баравар, яъни 12 x 18 см гача катталаштириш мумкин.

Ёрлиқка маҳсулотни тавсифловчи қуийдаги маълумотлар ёзилиши керак:  
товар белгиси (мавжуд бўлса);  
ишлаб чиқарувчи/етказиб берувчи ташкилотнинг номи, манзили;

маҳсулот номи, тури, нави;  
нетто массаси (кг);  
ишлаб чиқарилган ёки қадоқланган санаси;  
сақлаш муддати (яроқлилик муддати, агарда норматив ҳужжат билан белгиланган бўлса);  
сақлаш шароити ("куруқ жойда сақлансин" сўзлари);  
норматив ҳужжат номи;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган маҳсулот учун "O'zbekistonda ishlab chiqarilgan" деган сўзлар.

Тара маркировкаси озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги бўйича умумий техник регламент қоидаларга мувофиқ бўлиши керак (12.07.2017 нинг ПСМ № 490).

### **Маҳсулотни сифати ва миқдори бўйича қабул қилиш**

Гуруч ёрмасининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиш имзоланган шартномалар асосида норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва "Биринчи гурухга гуруч ёрмасини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги"ги Йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 2013 йил 23 июля 2483-сон) мувофиқ амалга оширилади.

Тақдим этилган ҳужжатлар асосида маҳсулотни миқдори ва сифати бўйича қабул қилиш, Буюртмачини омборида етказиб берувчининг вакили иштирокида амалга оширилади ва куйидаги ҳужжатлар ишлаб чиқарувчи заводнинг сифат гувохномаси, мувофиқлик сертификати, санитария-эпидемиология холосаси, ҳисоб-фактура ва бошқалар асосида амалга оширилади.

### **Сақлаш шартлари. Сақлаш муддатлари.**

Гуруч ёрмасини сақлаш "Биринчи гурухга гуруч ёрмасини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги"ги Йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 2013 йил 23 июля 2483-сон) ва ГОСТ 6292-93 мувофиқ амалга оширилади.

Маҳсулотнинг сақланиш муддати: – ишлаб чиқарилган кундан бошлаб 12 ойдан кам бўлмаслиги керак.

### **Функционал кафолат**

Функционал кафолат муддати давомида – (12 ой), қабул қилинган даврда топилмайдиган ишлаб чиқариш нуқсонлари аниқланган тақдирда, Буюртмачи ушбу кафолат доирасида юзага келган ҳар қандай даъволар тўғрисида дарҳол Етказиб берувчини ёзма равишда хабардор қиласди.

Етказиб берувчи, Буюртмачининг функционал кафолат бўйича даъволар тўғрисида ёзма хабарномани олганидан сўнг, 30 (үттиз) куни ичida, Буюртмачига нуқсонли маҳсулотни ёки унинг бир қисмини ҳеч қандай харажатсиз алмаштиришни шарт.